Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 58 (20. 925) 1991 йил 26 март, сешанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАТТА КЕНГАШИ

23 март куни Тошкентда республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда ишлаб чиқариш илғорлари, колхоз ва совхозларнинг, маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар ва пахта тозалаш заводларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, партия ва совет ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш ва боғқарувнинг иқтисодий усулларини жорий этиш асосида қайта қуриш шароитида озиқ-овқат ва техника экинлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан ишлоқ хўжалиги ходимларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қ. Холмирзаев, Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли районидаги Куйбишев номли совхоз директори К. Е. Юсупов, Хоразм вилояти Янгиариқ районидаги Киров номли колхоз механизатори Б. Собиров, Сирдарё вилояти Оқолтин районидаги СССР 60 йиллиги номли совхоз паррандабоқари Г. В. Слободчикова, Сурхондарё вилояти Бойсун районидаги «Сайроб» совхозининг чўпони Х. Ҳаққулов, Тошкент вилояти Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхозининг бригадири Л. Г. Ким, Жиззах вилояти Жиззах районидаги «Москва» колхозининг раиси П. Зиётов, Наманган вилояти Наманган районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси К. Қосимов сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққан кишилар ўтган йили муайян ютуқларга эришилганига қарамай, республика қишлоқ хўжалиги ҳали анчагина резервларга эга эканлигини айтдилар. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини, саноатнинг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун ана шу резервларни ишга тушириш — барча колхозчилар ва совхоз ишчиларининг энг муҳим вазифасидир.

Йиғилиш аҳли ҳузурида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Республика вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов йиғилганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига Мурожаатнома қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

Республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойида.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ БИР ЙЎЛА ОШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАМҒАРМАЛАР ҚАДРСИЗЛАНИШИДАН ЗАРАРНИ АҲОЛИГА ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА

Чакана нархларнинг бир йўла оширилиши муносабати билан жамғармаларнинг қадрсизланишидан аҳоли кўрадиган зарарни тўлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Аҳолининг СССР Давлат банкидаги ва СССР Жамғарма банкидаги пулларини, шунингдек СССР Жамғарма банки сертификатлари, СССР давлат хазина мажбуриятлари ва 1982 йилги давлат ички ютуқли заёми облигациялари тусида сақлаётган маблағларини бир йўла қайта баҳолаш тўғрисида СССР Вазирлар Маҳкамаси билан СССР Давлат банкининг таклифи қабул қилинсин. Аҳолининг жамғармалардан фойдаланиш мақсадлари асосий йўналишларидан келиб чиқиб ҳамда айрим моллар ва хизматларга нархлар индексини ҳисобга олиб, жамғармалар миқдорининг қўйилган омонат қолдиғи ҳамда қимматли қоғозларнинг унда кўрсатилган қиймати 40 фоиз оширилсин.

2. Компенсация омонатларнинг ҳамма турлари бўйича уларнинг 1991 йил 1 мартдаги қолдиғига қараб, СССР Давлат банки ва СССР Жамғарма банки белгилаб берадиган тартибда тўланади.

Омонатларнинг 200 сўмгача бўлган қолдиқлари компенсация тўловлари миқдорида кўпайтирилади ва шу пулдан 1991 йил 1 июлдан кейин фойдаланиш ҳуқуқи берилади. 200 сўмдан ортиқ омонатларни қайта баҳолаш пули жамғарма эгалари шу пулдан уч йил ўтгандан кейин фойдаланиш ҳуқуқи билан махсус ҳисоб варақасига ўтказилади. Махсус ҳисоб варақаларидаги маблағларга даромад амалдаги йилига 7 фоиз музд асосида тўланади.

3. СССР Давлат банки билан СССР Жамғарма банки фуқароларнинг айрим ҳолларда уч йиллик муддат ўтмасдан олдин махсус ҳисоб варақаларига ўтказилган маблағдан қиммат моллари нақд пулсиз харид қилиш ва уй-жой сотиб олиш учун фойдаланиши тартибини белгилаб берсин.

4. Фуқароларнинг 1991 йил 1 мартгача сотиб олган СССР Жамғарма банки сертификатларига ва СССР давлат хазина мажбуриятларига компенсация улар сотилган муддат тугагандан сўнг ёки 1994 йил 1 мартдан кейин тўлансин.

5. СССР Молия вазирлиги, СССР Давлат банки ва СССР Жамғарма банки:

1982 йилги давлат ички ютуқли заёми облигацияларини уларда кўрсатилган қийматини 40 фоиз оширишни ҳисобга олиб сотиш ва сотиб олиш тартибини;

1993 йилда 1990 йилги аниқ мақсадларга мўлжалланган муздсиз давлат заёмлари облигацияларининг эгаларига улар товарни олишдан воз кечган тақдирда компенсация тўлаш тартибини белгиласин.

6. СССР Президентининг «1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик СССР Давлат банки пулларини тўловга қабул қилишни тўхтатиш ва фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаб қўйиш тўғрисида»ги 1991 йил 22 январдаги Фармонида белгилаб қўйилган фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришнинг чекланиши бекор қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 март.

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ТАШВИШИ

Иттифоқ парламентига гуркираб турган ҳаёт нафаси тўла маънода уфуриб киргандек бўлди. Бу ерда 25 март куни мамлакат деҳқончилик-саноат комплексида юзага келган вазиятдан ташвишланган халқ депутатларининг сўровлари муносабати билан қишлоқ хўжалигидаги аҳвол муҳокама қилинди.

СССР Олий Кенгаши сессиясининг эрталабки мажлиси СССР Бош вазирининг ўринбосари Ф. П. Сеньконинг ахбороти билан бошланди. У ҳукуматнинг қишлоқ олдида турган ҳозирги муаммоларга нисбатан фикрини баён этди ва баҳорги дала ишларига тайёргарлик кўриш борасидаги долзарб тадбирлар тўғрисида гапириб берди. У вазият қийин ва ташвишли эканини айтди. Кескинлашган сиёсий вазият билан иқтисодий аҳвол ўртасида узвий алоқа бор, деди у. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ аҳвол энг танг соҳаларимиздан биридир.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш беш миллиард сўмликдан кўпроқ камайди. Бундай воқеа кейинги йилларда биринчи марта рўй берди. Табиийки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам пасайиб кетди. Нотиқнинг таъкидлашича, баъзи кишилар бундай аҳволдан ўз сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар, барча қийинчиликларни Иттифоқ идоралари гарданига ағдаришга ҳаракат қилмоқдалар. Қандай бўлмасин, қишлоқ иш ташлагани йўқ. Митинглар ўтказмаяпти. У ўз кучғайратини асосий муаммо — одамларнинг қорнини тўйдириш муаммосини ҳал этишга сарфламоқда.

Нотиқ қишлоқларда рўй бераётган салбий жараёнларнинг чуқур сабабларига батафсил тўхталди. Бунинг асосий сабаби, деди у, деҳқончилик соҳасини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш ёмонлашиб бораётгани, «ҳукмрон корхоналарнинг» зўравонлиги кучаяётгани, хўжалик алоқаларининг узилиши, тобора кўпроқ намоён бўлаётган маҳаллий тамойиллар, маҳсулот етказиб бериш интизомининг пасайиши, шунингдек меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга доимий равишда кетиб қолаётганидадир. Мана сизга қизиқ бир мисол: ўтган йили қишлоқ меҳнаткашларига етти миллиард сўмликдан кўпроқ моддий-техника ресурслари етказиб берилмади. Айниқса, биноқорлик материаллари етказиб бериш даги аҳвол қониқарсиз бўлиб қолмоқда.

Ҳукумат вазирликлар ҳамда идораларнинг, барча корхоналарнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш вазифасини ўзининг асосий амалий фаолияти деб билмоқда. Деҳқончилик соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар мажмуини тўла рўёбга чиқариш муҳимдир. Айни вақтда Ф. П. Сенько бу масалани ҳал этиш марказга, шунингдек жойлардаги ишларга боғлиқ эканини таъкидлади.

Ғалла муаммоси ҳали ҳам марказнинг диққат эътиборида турибди. Ҳукумат вакили яқин вақт ичида «Ғалла» Бутуниттифоқ дастурини кўриб чиқиш режалаштирилгани тўғрисида хабар берди.

Деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантиришнинг асосий жиҳатларига тўхталган нотиқ қишлоқнинг ўзи барча муаммоларни ҳал эта олмаслигини уқтирди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида кўп жиҳатдан бузилган алоқаларни йўлга қўйиш керак. Қишлоқни ижтимоий қайта қуришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу вазифа анча илгари ўртага қўйилган эди, лекин ҳозирга қадар бу борада қатъий ҳаракат қилинганн йўқ. Нотиқ қишлоқда мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги масалага пухта ўйлаб ёндашишга чақирди. Айни вақтда жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари билан бир қаторда хўжалик юритишнинг янги шаклларини вужудга келтириш зарур ва самарали жараён эканлигини ҳам айтди.

Бош вазир ўринбосари ўзи берган ахборотда ва депутатларнинг саволларига қайтарган жавобларида янги ҳукумат қишлоқ хўжалигини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қайта ишловчи тармоқларни реконструкциялаш ишини жиддий ўнглаш ниятида эканини таъкидлади.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

ССЖИ Президентининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги 1991 йил 19 мартдаги Фармони ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги 1991 йил 19 мартдаги 105-сонли қарорига мувофиқ мамлакатда чакана нархлар ислоҳотини амалга ошириш назарда тутилмоқда. Айни вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш ҳақини, стипендияларни, пенсияларни, нафақаларни ва бошқа тўловларни ошириш юзасидан аниқ тадбирларни рўёбга чиқариш белгиланди.

ССЖИ Президентининг Фармонига ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг қарорига амал қилиб ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IV сессияси томонидан 1991 йил 14 февралда қабул қилинган қарорларга мувофиқ жумҳурият аҳолисини, аввало унинг кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, серунум меҳнатга қизиқишни кучайтириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш мақсадида, миллий анъаналарни, юзага келган демографик вазиятни ҳамда ишлаб чиқаришнинг ва истеъмол структурасининг регионал хусусиятларини эътиборга олиб Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги 1991 йил 19 мартдаги 105-сонли қарори ижобатга олиниб, амал қилиш учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорда қуйидагилар белгиланди:

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича комплекс тадбирлар туркумини амалга оширишда ССЖИ фуқароларининг меҳнат қилиш, меҳнатга адолатли ҳақ олиш учун конституцион ҳуқуқларига, уларнинг қонун олдида тенглиги ва барча жумҳуриятларнинг тенг ҳуқуқлилигига сўзсиз амал қилинсин;

асосий озиқ-овқат моллариннинг, оммавий турдаги қурилиш материаллари ва мебеллар, шунингдек, аҳолининг турли ижтимоий табақалари ва гуруҳлари даромадлари даражасини эътиборга олиб жумҳуриятлар белгилаган рўйхатдаги бошқа ноозиқ-овқат моллар давлат чакана нархларини оширишдан тушадиган маблағнинг ҳаммаси компенсация сифатида ишлатилсин;

вояга етмаган болалари бўлган оилаларга аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тегишли маблағлар йўналтирилсин ва болаларбоп молларнинг қимматлашуви натижасида кўриладиган зарар тўла қоплансин;

бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан бериладиган компенсация тўловларининг миқдори, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган табақалари, аввало, болалар, ўқувчи ёшлар, ногиронлар, пенсионерлар, ёш, нотўлиқ ва кўп болали оналарни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга устунлик берган ҳолда аҳолининг ижтимоий демографик гуруҳлари бўйича табақалаштирилсин;

ишловчиларнинг иш ҳақи (меҳнатга тўланадиган ҳақ) оширилиб, айни вақтда корхоналар (жамоа хўжаликлари) фойдаси ва фуқароларнинг даромадларига солинадиган солиқ камайтирилсин;

нархлар ва тарифлар оширилишидан олинган маблағларнинг бир қисми маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият соҳалари ва архив муассасалари етакчи ходимларининг иш ҳақи даражасини қўшимча равишда ошириш мақсадида сарфлансин;

ўқувчи ёшларнинг амалдаги стипендиялари оширилсин ва янгилари жорий этилсин;

ҳарбий хизматчиларнинг пул даромади, озиқ-овқат, буюм ва бошқа моддий таъминот миқдорлари кўпайтирилсин;

ҳамма турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг миқдори оширилсин, шунингдек, ССЖИ ижтимоий суғурта ва ССЖИ пенсия фонди маблағлари ҳисобига давлатнинг моддий ёрдамидан фойдаланувчи шахсларнинг доираси кенгайтирилсин;

аҳолига шифохоналарда, интернатларда, мактабларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, мактабгача тарбия ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларида ижтимоий хизмат кўрсатишга харажатларнинг ошиши тўла қоплансин;

аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланадиган пул тўловларига қўшимча равишда маҳаллий органлар томонидан ҳар турли ижтимоий, биринчи навбатда ашёвий ёрдамлар берилсин;

озиқ-овқат молларига давлат чакана нархларининг минтақа бўйича табақалаштирилиши бекор қилинсин, тўлов миқдорларини белгилашда иш ҳақига тўланадиган амалдаги ҳудудий коэффициентлар ҳисобга олинсин;

студентларга ва ўқувчиларга, пенсионерлар, болаларга ижтимоий пенсиялар ва нафақалар олувчи бошқа шахсларга дастлабки тўловлар олдиндан, 1991 йил 1 апрелига қадар тўлансин.

3. Жумҳуриятнинг ўзига хос томонларини, миллий хусусиятларини, ишлаб чиқариш ва истеъмол структурасини ҳисобга олиб нон ва нон-булка маҳсулотлари, ун, макарон маҳсулотларининг амалдаги чакана нархлари 1991 йилда ўзгаришсиз сақлаб қолинсин.

Дори-дармон ва тиббиёт буюмлари, кофе, сунъий ва синтетик толадан тўқилган газлама ва ундан тайёрланган буюмлар, синтетик материаллардан ишлаб чиқариладиган пойабзал, мўйна, трикотаж, пайпоқ ва ўйинчоқлар, аҳолига сотиладиган бензин, керосин, электр энергия, газ, кўмир, ёқилғи ва ўтин, шунингдек, арақнинг амалдаги давлат чакана нархлари оширилмасин.

(Давоми иккинчи бетда).

КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов раислигида чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш республика комиссияси тузилди. 24 март куни мазкур комиссия ўзининг дастлабки мажлисини ўтказди. Унда аҳолига компенсация тўлаш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди, республиканинг шу иш билан бевосита боғлиқ бўлган бир қатор идоралари, жумладан, Алоқа вазирлиги, банк муассасалари раҳбарларининг қисқача ахбороти тингланди.

Мажлисда идора ва ташкилотлар аҳолига компенсация тўлаш ишларини жадаллаштиришлари, айниқса алоқа, почта, банк муассасаларининг тез ва пухта ишлаши зарурлиги, бу ишга жуда катта ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик тадбир деб қаралиши лозимлиги, одамлар тегишли компенсацияни ўз вақтида олишлари учун ҳамма зарур тадбирлар кўрилиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Комиссия мажлисида махсус матбуот марказини тузишга қарор қилинди. Бу марказ аҳолига компенсация тўлаш ишлари жойларда қандай олиб борилаётганлиги ҳусусида телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали халққа мунтазам маълумот бериб боради.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

4. Асосий озиқ-овқат моллариға, болалар моллари, оммавий қурилиш материаллари турларига ва мебелларга янги давлат чакана нархлари оширилиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар учун аҳолига тўла компенсация қилинсин ҳамда фуқароларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонлари ва амалдаги қонунларда белгиланган шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш имтиёзлари сақлаб қолинсин.

Аҳолининг барча тоифаларига дастлабки компенсация тўловлари қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмасдан амалга оширилиши мумкин, зарур ҳолларда кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқарилади.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИНГ ЭНГ КАМ КАФОЛАТЛАНГАН МИҚДОРИ ИШЛОВЧИ ФУҚАРОЛАРГА

5. Давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ССЖИ ҳукумати ёки унинг топшириғига биноан бошқа органларнинг қарорлари билан тасдиқланган тариф ставкалари ва лавозим окладларини қайта кўриб чиқсинлар.

Иш ҳақи ставкалари ва окладлар корхона маъмуриятн томонидан касаба қўмитаси билан келишилган тартиб ва миқдорлар асосида ҳамда мазкур қарорда белгиланган тўлов принциплари ҳисобга олинган ҳолда, лекин ойига 60 сўмдан кам бўлмаган миқдорда оширилади.

Нархлар оширилиши муносабати билан олдиндан компенсация беришни таъминлаш мақсадида дастлабки тўловлар шу йилнинг 1 апрелига қадар абсалют суммаларда алоҳида ведомость бўйича иш ҳақига махсус қўшимча тариқасида тўлансин ва кейинчалик бу суммалар улар қайта кўриб чиқилишига қараб иш ҳақи ставкалари ва окладларга қўшилсин.

Қуйидагилар тавсия этилсин:

давлат тариф ставкалари ва лавозим окладларини қўлловчи жамоа ва кооператив хўжаликлар, жамоат ташкилотлари ўз ишловчиларининг иш ҳақларини давлат корхоналари ва ташкилотлари учун мазкур қарорда белгиланган принципларни эътиборга олган ҳолда ошириши;

мулкка эгалик қилиш шаклларидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар озиқ-овқат маҳсулотларига чакана нархларнинг ошиши муносабати билан ишчилар ошхоналари ва буфетларининг қўшимча харажатларини ўз маблағлари ҳисобидан қопласинлар.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг оширилиши муносабати билан бюджетдан маблағ билан таъминланадиган мактаблар ва болалар муассасалари ошхона ва буфетларининг қўшимча харажатлари ўрнини қоплаш учун зарур бўлган маблағларни қидириб топсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ставкалар ва окладлар мазкур қарорнинг 5-пунктига мувофиқ оширилгандан кейин корхоналар ишчилар ва хизматчиларга тариф ставкаларини, лавозим окладларини мустақил равишда белгилайдилар, бунда ходимлар тоифалари ичида ставкалар ва окладлар миқдорида амалдаги нисбатларни сақлаб қоладилар, шунингдек устама халқлар, қўшимча ҳақлар, мукофотлар ҳамда хизмат муддати учун бир йўла бериладиган мукофотни ҳам қўшганда рағбатлантирувчи бошқа тўловларнинг турлари ва миқдорларини белгилайдилар, шу мақсадларга илгари ажратилган маблағларни корхоналарда сақлаб қоладилар.

Тегишли касб-малакага эга бўлган ходимлар гуруҳлари учун ставкалар ва окладлар, устама ҳақлар, қўшимча ҳақларнинг аниқ миқдорлари корхоналарда коллектив шартномалар (тариф битимлари)га кўра белгиланади.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқлар «СССРда корхоналар тўғрисида»ги, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида» ва «1991 йилги Иттифоқ бюджети тўғрисида»ги СССР Қонунларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ва унинг доирасида амалга оширилади. Бунда 1991 йилги истеъмол фондини ҳисоблаб чиқариш учун асос сифатида қабул қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди мазкур қарорнинг 5-пунктида назарда тутилган ставкалар ва окладларни энг кам даражада ошириш миқдорида кўпайтирилади.

Бюджетдан молиявий таъминланадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бу ҳуқуқларни шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида рўёбга чиқарадилар.

7. Белгилаб қўйилсинки, меҳнат ҳақининг минимал даражаларининг давлат кафолатлари ва мазкур қарорда назарда тутилган ставкалар ва окладларни ошириш тартиби мулкка эгалик қилишнинг ҳамма шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан ёлланиш шарти билан меҳнат қиладиган ходимларга ҳам тааллуқлидир.

8. Маълумот учун қабул қилинсинки, СССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан юқорида қайд этилган қарор билан қуйидагилар юклатилди:

маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият ва архив муассасаларининг етакчи ходимларининг иш ҳақи кўпайтирилсин ва ишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ даражасига яқинлаштирилсин;

нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан мазкур тармоқларнинг ходимларига (шунингдек, бошқа тармоқларнинг ходимларига) тариф ставкалари ва окладларига махсус қўшимча ҳақ тарзида алоҳида ведомость бўйича 60 сўм миқдорида олдиндан компенсация тўлансин.

ЎзССР меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитаси ходимларнинг мазкур тоифаларига тариф ставкалари ва окладларининг янги миқдорларини тасдиқласин, бунда уларни СССР ҳукумати ёки унинг топшириғига биноан бошқа органлар қарорлари билан белгиланганига нисбатан ўрта ҳисобда 1,6—1,7 баравар ошириши назарда тутсин (мазкур қарорнинг 5-пунктида назарда тутилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда).

9. Ўзбекистон ССР меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича давлат қўмитаси бир ой муддат ичида мамлакатнинг шимолий ва шарқий минтақалари тенглаштирилган шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига коэффициентлар (район, тоғли, чўл ва сувсиз районларда ишланганлиги учун коэффициентлар) процент устамаларини ҳисоблаш учун иш ҳақининг амалдаги миқдори чегараларини (300 сўм) нархларнинг ўсиши муносабати билан аҳоли даромадларининг ошишига кафолат берувчи миқдордаги суммага ошириш юзасидан таклифлар тайёрлансин ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА

10. Болали оилаларнинг турмуш даражасини сақлаб қолиш мақсадида бундай оилаларга ижтимоий нафақаларнинг амалдаги миқдорлари ўрта ҳисобда 1,6—1,8 баравар кўпайтирилсин ҳамда илгари нафақа олмаган 16 ёшгача бўлган болаларга, стипендия олмайдиган ўқувчиларга эса — 18 ёшгача махсус компенсациялар жорий этилсин.

11. Ижтимоий тўловларнинг ҳозирги вақтда умуман мамлакат бўйича амал қилаётган кам иш ҳақининг белгиланган миқдорига нисбатан процент ҳисобидаги миқдорини ҳисоблаб чиқаришнинг ҳозирги тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Энг кам иш ҳақининг янги даражаси тасдиқлангунга қадар болали оилаларга амалдаги нафақаларнинг энг кам миқдорларининг қуйидаги давлат кафолатлари белгилансин:

а) 250 сўм — ҳар бир бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа;

б) 110 сўм — ҳар ойлик нафақалар:

бир йиллик иш стажига эга бўлган ишловчи оналарга (иш стажидан қатъи назар, 18 ёшга етмаган аёлларга), шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган оналарга боласи бир ярим ёшга киргунга қадар уни тарбиялашга. Икки ва ундан кўп бола туғилганда нафақа ҳар бир бола учун тўланади;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болаларига;

ҳомийликда (васийликда) бўлган болаларга;

болалар уйларининг (мактаб-интернатларнинг) собиқ тарбияланувчилари бўлган ёлғиз оналар (бевалар, бева эркаклар)нинг болаларига;

иммунодефицит вируси юққан ва СПИДга чалинган 16 ёшгача бўлган болаларга;

в) 90 сўм — ҳар ойлик нафақа:

6 ёшдан 16 ёшгача болалари бўлган (стипендия олмайдиган ўқувчилар — 18 ёшгача) ёлғиз оналарга;

ота-оналари алимент тўлашдан бўйин товлаган ёки қонунда назарда тутилган алимент ундириш мумкин бўлмаган бошқа ҳолларда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга;

г) 80 сўм — ҳар ойлик нафақа:

йиллик иш стажига эга бўлмаган ишлайдиган аёлларга ва ишламайдиган аёлларга боласини бир ярим ёшга киргунга қадар тарбиялашга. Икки ёки ундан кўп бола туғилганда нафақа ҳар бир бола учун тўланади;

бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга. Бунда ҳар бир оила аъзосининг нафақа олиш ҳуқуқини берадиган умумий даромадининг чегараси икки баравар кўпайтирилсин, уни энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида — 280 сўм қилиб белгилансин;

6 ёшгача болалари бўлган ёлғиз оналарга;

ота-оналари алимент тўлашдан бош тортган, ёхуд қонунда назарда тутилган алимент ундириш имкони бўлмаган бошқа ҳолларда 6 ёшгача бўлган болаларга.

12. Амалдаги ижтимоий таъминот системаси бўйича нафақа ва пенсиялар олмайдиган 16 ёшгача бўлган болаларга (стипендия олмайдиган ўқувчиларга —18 ёшгача) 40 сўм миқдорида ойлик тўловлар белгилансин.

13. Болаларга аталган молларнинг қимматлашуви муносабати билан вояга етмаган болали оилаларга бир йилга қуйидаги миқдорларда компенсация тўловлари жорий этилсин:

6 ёшгача бўлган болалар учун — камида 200 сўм;

6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун — камида 240 сўм;

13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун — камида 280 сўм.

Кўрсатилган бу компенсациялар ҳар кварталда баравар ҳиссада тўлансин.

14. Мазкур қарорнинг 11, 12 ва 13-пунктларида белгиланган компенсациялар онанинг асосий иш жойида, агар она ишламайдиган бўлса, отанинг ёки ота-онанинг ўрнидаги шахснинг асосий иш жойидан тўланади. Бошқа ҳолларда компенсациялар ёш ота-она ёки ота-онанинг ўрнидаги шахснинг яшаш жойидаги ижтимоий таъминот органларида тўланади.

Мазкур қарорнинг 12 ва 13-пунктларида белгиланган тўловлар оиланинг ҳар бир аъзосининг жами даромади энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари — 280 сўмдан ошмайдиган болали оилаларга берилади.

Тегишли нафақалар ва компенсациялар бир вақтда тўланади.

Тўловлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан берилади:

а) пенсия фондидан:

бир ярим ёшга етмаган ёш болаларни тарбиялаш учун ойлик нафақалар ва бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга нафақалар;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болаларига нафақалар;

иммунодефицит вируси юққан ва СПИДга чалинган 16 ёшгача бўлган болаларга нафақалар;

ЎзССР Молия вазирлиги ЎзССР Ижтимоий таъминот вазирлиги ва СССР пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими билан биргаликда юқорида қайд этилган харажатларни қоплашга йўналтириладиган маблағларнинг аниқ манбаларини аниқласин;

б) ижтимоий суғурта фондидан — ҳар бир бола туғилгандан кейин бир йўла бериладиган нафақа;

в) жумҳурият бюджетларидан:

болалар уйлари (мактаб-интернатлар)нинг собиқ тарбияланувчиларидан бўлган ёлғиз оналар (бевалар, бева эркаклар)нинг болаларига ойлик нафақалар;

6 ёшдан ва 16 ёшгача болалари бўлган (стипендия олмайдиган ўқувчилар — 18 ёшгача), 6 ёшгача болалари бўлган ёлғиз оналарга;

амалдаги ижтимоий таъминот системаси бўйича нафақалар ва пенсиялар олмайдиган болаларга ойлик тўловлар;

болаларга аталган моллар анча қимматлашиши муносабати билан балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга тўловлар;

г) маҳаллий бюджетлардан — ҳомийликда (васийликда) бўлган болаларга ойлик нафақа. Нафақалар халқ таълими органлари томонидан тўланади.

ота-оналари алимент тўлашдан бўйин товлаган ёки қонунда назарда тутилган алимент ундириш имкони бўлмаган бошқа ҳолларда болаларга нафақалар балоғатга етмаган болаларга вақтинча нафақалар тўлаш учун мўлжалланган маблағлар ҳисобидан берилади.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРГА

15. Чакана нархларнинг ошишига компенсация сифатида олий ўқув юртлари студентларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари миқдори кўпайтирилсин, бунда СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 7 апрелдаги 330-сон ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 31 майдаги 225-сон қарорларига мувофиқ белгиланган ўқишдаги муваффақиятлари учун стипендияларга тўланадиган устамаларнинг абсолют миқдорлари сақлаб қолинсин.

Олий ўқув юртларида стипендиялар қуйидагича белгилансин:

дарсларни ўзлаштирувчи студентларга ойига 120 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 135 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 150 сўм миқдорида;

ота-онасиз ва ота-она қаровисиз қолган студентларга ойига 160 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 185 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 125 сўм миқдорида;

собиқ ҳарбий хизматчилардан бўлган, байналмилал бурчини бажариш чоғида олган жароҳати, контузияси, шикастланиши ёки касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолган студентларга ойига 180 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 195 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 210 сўм миқдорида;

ота-онасиз ва ота-она қаровисиз қолган студентларга ойига 160 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга ойига 185 сўм, фақат аъло баҳолар олган студентларга эса 125 сўм миқдорида;

оилали ўқувчиларга ойига 50 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган студентларга эса 65 сўм миқдорида;

таълим муддати 10 ойдан кам бўлмаган, СССР ҳукуматининг қарорларига мувофиқ кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланадиган барча турдаги ҳунар-техника билим юртларининг ўзлаштирувчи ўқувчиларига ойига 40 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 45 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 50 сўм миқдорида;

оилали ўқувчиларга ойига 50 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 55 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 60 сўм миқдорида;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ва Улуғ Ватан урушининг I ва II гуруҳ ногиронларига тенглаштирилган шахсларнинг болалари бўлган ўқувчиларга ойига 60 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 70 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса ойига 85 сўм миқдорида;

оилали ўқувчиларга ойига 70 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 80 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 95 сўм миқдорида;

етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар бўлган, давлат таъминотида турувчи ўқувчиларга ойига 80 сўм, шу жумладан, фақат яхши, шунингдек, фақат яхши ва аъло баҳолар олган ўқувчиларга ойига 90 сўм, фақат аъло баҳолар олган ўқувчиларга эса 105 сўм миқдорида;

аспирантлар ва докторантларнинг амалдаги стипендиялари миқдори ойига 60 сўмга оширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, стипендияларнинг янги миқдорлари мазкур қарор билан аниқланмаган стипендия олувчи ўқувчи ёшларга қуйидагича компенсация тўланади:

олий ўқув юртларида — ойига 60 сўм ва ўрта махсус ўқув юртларида — ойига 55 сўм.

СССР Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарорига мувофиқ СССР халқ таълими давлат қўмитасига, СССР меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитасига ССЖИ Молия вазирлиги билан биргаликда ёшларнинг юқорида кўрсатилган тоифалари стипендиялари миқдорлари тўғрисидаги таклифни тайёрлашни ва бир ой муддат ичида СССР Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилишни топширганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

ПЕНСИОНЕРЛАРГА, НОГИРОНЛАРГА ВА БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН ОИЛАЛАРНИНГ АЪЗОЛАРИГА

16. Нархларнинг ошишини компенсациялаш учун ишламайдиган пенсионерларга кексалиги бўйича, белгиланган муддат хизмат қилганлиги учун, ногиронлиги бўйича, боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан бериладиган пенсиялар, ижтимоий пенсиялар, шунингдек, ишламайдиган пенсионерларнинг қарамоғида бўлган ва бошқа асослар бўйича компенсация олмайдиган меҳнатга яроқсиз оила аъзоларига устамалар ойига 65 сўмга оширилсин.

Ота-онасиз етим болаларнинг боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан пенсиялари юқоридаги миқдорга нисбатан икки баравар оширилсин.

Чакана нархларни ислоҳ қилиш муносабати билан ишловчи пенсионерларга компенсация тўловлари ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган тартибда амалга оширилсин.

СССР Вазирлар Маҳкамаси кўрсатилган қарори билан СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитасига, СССР Молия вазирлигига СССР умумий касаба уюшмалари конфедерацияси, СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси иштирокида бир ой муддат ичида чакана нархларнинг ошишига бериладиган компенсация муносабати билан тариф ставкалари ва лавозим маошлари кўпайганлиги сабабли пенсия тайинлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартиби, шунингдек компенсация тўловлари жорий қилинишини ҳисобга олиб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахсларнинг пенсияларини ҳисоблаш тартиби тўғрисида таклифлар тақдим қилишни топширди.

17. ЎзССР ижтимоий таъминот вазирлиги ЎзССР молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий-маиший имтиёзларни, шу жумладан амалдаги қонунларда ногиронлар учун транспорт воситаларини сотиб олишда белгиланган имтиёзларни, шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари, бошқа тоифадаги фуқароларнинг транспорт воситаларини капитал ремонт қилишни амалга оширишга дахлдор бўлган сарф-харажатларни жумҳурият бюджети маблағлари ҳисобидан компенсациялаш миқдорлари ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек, тегишли органлар (ташкилотлар) ўртасида бу ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тартиб тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин.

18. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарига ижтимоий ёрдамнинг (шу жумладан, натурал ёрдам) турли хиллари— солиқ солишда имтиёзлар бериш, коммунал ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, имтиёзли шартларда ер участкалари, боғ уйлари ажратиб бериш, қийматини қисман қопланган ҳолда ёки бепул озиқ-овқатлар ва саноат моллари тўплами, айниқса, ногиронлар, пенсионерлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаган бошқа қатламлари учун бериш, ногиронлар ва қариялар учун мўлжалланган товарлар ва дори-дармонлар ҳақини тўлаш, бепул овқатлантириш, шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги транспортдан фойдаланишда имтиёзлар бериш ва бошқа ёрдам турлари воситасида аҳолининг кам таъминланган қатламларига бериладиган пул компенсацияларини тўлдириш тавсия қилинсин.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА

19. 1991 йил 1 майдан бошлаб ЎзССР Ички ишлар вазирлигининг оддий хизматчилари ва бошлиқлар таркибининг (республика бюджетидан маблағ билан таъминланадиган) лавозим маошлари миқдори ойига 60 сўм кўпайтирилсин.

Давлат чакана нархлари оширилган кундан бошлаб 1991 йилнинг 1 майигача бўлган даврда бу шахсларга пул компенсациясини тўлаш юқорида кўрсатилган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

ЎзССЖ Ички ишлар вазирлиги системасининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркиби, ишчилари ва хизматчилари, пенсионерларининг озиқ-овқат, мол-буюм, тиббий таъминоти ва моддий таъминотнинг бошқа турларига харажатлар бу моддий таъминот турларига нархларни оширишнй компенсациялаш даражасида кўпайтирилсин.

20. ЎзССР Ички ишлар вазирлигининг ишчилари ва хизматчиларига, ишламайдиган ва ишлайдиган пенсионерларига компенсация тўловлари халқ хўжалиги ходимлари ва пенсионерлар учун белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

21. ЎзССЖ Ички ишлар вазирлиги ЎЗССР Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида ЎзССР Ички ишлар вазирлиги оддий хизматчилари ва бошлиқлар таркибининг пул таъминоти, ишчи ва хизматчиларининг иш ҳақини, ишламайдиган пенсионерларнинг пенсияларини кўпайтириш, шунингдек, бу тоифаларнинг болали оилаларига нафақа тўлаш тўғрисида таклифларини тайёрласин ва Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Тақдим қилинган таклифларда компенсацияларни тўлаш тартиби, миқдори ва шартлари кўрсатилсин.

ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИГА

22. Янги чакана нархлар жорий этилиши ва уларга пул нафақалари тўланиши муносабати билан Ўзбекистон ССЖнинг иш билан банд бўлмаган аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонуни қабул қилингунга қадар иш билан таъминлаш органларида иш қидирувчи, меҳнат қилишга қобилиятли шахслар сифатида рўйхатга олинган ва бу органлар иш билан таъминлаш бўйича таклиф қилмаган вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолига ҳар ойда 60 сўм миқдорида нафақа берилади. Кўрсатиб ўтилган нафақани тўлаш халқ депутатлари вилоят Совети Комиссиясининг рухсатидан кейин ариза берилгандан бошлаб вақтинча иш билан банд бўлмаган шахс ишга жойлаштирилгунгача, лекин 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга амалга оширилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталари иш билан вақтинча банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш ва пул нафақалари бериш, нафақа расмийлаштирилган даврда уларнинг шахсий ҳужжатлари сақланиши, зарур бланкаларни кўпайтириш, бу ишни зудлик билан амалга ошириш учун қўшимча ходимлар ажратиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни кўриб чиқсинлар ва ҳал этсинлар.

БОШҚА КОМПЕНСАЦИЯ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

23. ЎзССЖ Молия вазирлиги, ЎзССЖ Халқ таълими вазирлиги, ЎзССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЎзССЖ Маданият вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда шифохоналар, поликлиникалар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар, болалар уйлари ва интернатларида, кексалар ва ногиронлар интернат уйларида ҳамда жумҳурият ихтиёрида бўлган бошқа ташкилотларда овқатланишга, юмшоқ инвентарь ва кийим-кечак, маданий-маиший ва хўжалик ҳамда ўқув мақсадларидаги буюмлар сотиб олишга сарфланадиган пул нормаларини оширсин. Бу муассаса ва ташкилотлар амалга оширилган нормаларга мувофиқ ўз вақтида маблағ билан таъминлансин.

Жумҳурият ҳукуматининг қарорига мувофиқ умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларида бепул нонушта беришни ташкил этиш ва ҳомиладор аёлларни, кам қонлик касаллигига учраган беморларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш сақлаб қолинсин.

24. Ахлоқ тузатиш меҳнат системаси муассасаларида жазо муддатини ўтаётган шахсларга тариф ставкалари ва лавозим окладлари ойига камида 60 сўм миқдорида кўпайтирилсин. Кўрсатиб ўтилган шахслар иш ҳақининг оширилиши суммасидан бу муассасаларни сақлашга сарфланадиган харажатларни қисман қоплаш учун маблағ ушлаб қолинмасин.

25. 1991 йилнинг 1 апрелидан жорий этиладиган «Ўзбекистон ССЖ фуқароларидан, чет эл фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунига кўра нарх-навонинг ошиши муносабати билан аҳолига бериладиган компенсация тўловлари фуқароларнинг даромадлари ва корхоналарнинг фойдасига солиқ солиш системаси томонидан олиб қўйилмаслигидан келиб чиқиб, фуқароларнинг солиқ солинмайдиган ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадлари миқдори ойига 160 сўмгача оширилди. ЎзССЖ Молия вазирлиги фуқароларнинг ойига 160 сўмдан ошадиган даромадларидан даромад солиғи олиш ставкалари миқдорларини камайтиришни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг даромадларига солиқ солиш тартибини солиқ ставкасининг 13 фоиздан ортиқ прогрессив шкаласини даромадларнинг илгари белгиланган 700 сўмдан эмас, балки 1000 сўмдан ошган қисмига қўллаш, корхоналар ва ташкилотларнинг фойдасидан 35 фоизгача солиқ ставкасини табақалаштириб пасайтириш, шунингдек, корхонанинг асосий фаолиятида иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг маҳсулот таннархига тегишли бўлган энг юқори даражасини 480 сўмгача ошириш ҳақида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига таклиф тайёрласин ва киритсин.

26. Белгилаб қўйилсинки, оғир табиий иқлим шароитларида яшаганлик учун иш ҳақига коэффициент қўшиш қўлланиладиган районлар ва жойларда ушбу қарорга мувофиқ оширилган стипендиялар, пенсиялар, нафақалар ноишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари учун қўлланиладиган коэффициентлар ҳисобга олган ҳолда тўланади.

27. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси аҳолига компенсация тўловлари бериш тадбирларини амалга оширишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг турмушга қатъий жорий этилишини, эҳтимол тутилган суиистеъмолларнинг ўз вақтида олдини олишни таъминласинлар.

28. Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан бевосита ҳисоб-китоблар ва компенсация маблағлари беришни амалга оширувчи банк муассасалари ва алоқа корхоналари, социал таъминот органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш иш вақтининг белгиланган дан ортиқча давом этиши ва байрам кунлари ишлаганлик учун Ўзбекистон ССЖнинг меҳнат қонунлари кодексининг 76 ва 109-моддаларига мувофиқ амалга оширилсин.

29. Ўзбекистон ССЖ Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитаси ЎзССЖ Адлия вазирлиги ва ЎзССЖ Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон ССЖ ҳукуматининг қарорларини ушбу қарорга мувофиқ келтириш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Бошн иккинчи бетда).

30. Ўзбекистон ССЖ Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлиги ЎзССЖ Давлат нархлар қўмитаси билан биргаликда ЎзССЖ Давлат банки, ЎзССЖ Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашини жалб қилган ҳолда икки ҳафта муддат ичида аҳолига компенсация тўловлари бериш ҳисоб-китоби системасини ишлаб чиқсинлар ҳамда у ҳақдаги ахборотни тўплашни ташкил этсинлар.

Жумҳурият ҳудудида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, муассасалар ва хўжаликларга, қайси идорага бўйсунишлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, статистика ҳисоботининг белгиланган шаклидан ортиқча зарур ахборотни бериш мажбурияти юклатилсин.

31. ЎзССЖ Молия вазирлиги бир ой муддат ичида жумҳуриятнинг 1991 йилги даромадлари ва харажатлари бюджетини аниқлаштириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

32. Паст рентабелли ва режали зарар кўрувчи корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар ходимларига компенсация тўлаш нарх-навони ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича тадбирларни амалга оширувчи ноҳия, шаҳар, вилоят комиссиялари қарорлари асосида янги чакана нархлар жорий этилиши натижаларидан келиб чиқиб компенсация тўлаш харажатлари ва уларни қоплаш манбалари кейинчалик аниқлаштирилган ҳолда ЎзССЖ Молия вазирлигининг кафолати билан банк муассасалари томонидан процентсиз мақсадли кредитлар бериш ҳисобидан амалга оширилади.

33. Ўзбекистон ССЖ нархнаво ислоҳоти ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни тайёрлаш ва амалга ошириш жумҳурият комиссияси, Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар қўмитаси, Ўзбекистон ССЖ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси ва ЎзССЖ Молия вазирлиги зарур ҳолларда ушбу қарорни қўллаш тартиби тўғрисида тушунтиришлар берсинлар.

34. Оммавий ахборот органлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва бирлашмалар чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган тадбирлар, компенсация ва нафақаларни бериш шакллари ва муддатлари тўғрисида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борсинлар.

35. ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарорида қуйидагилар кўзда тутилганлиги маълумот ва амал қилиш учун қабул қилинсин:

Барча жумҳуриятлардаги аҳолини, шунингдек ҳарбий хизматчиларни ва Иттифоқ бюджети ҳисобидан даромад олувчи барча фуқароларни белгиланган энг кам компенсация тўловлари билан таъминлаш учун чакана нархларнинг оширилишидан олинган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ягона иттифоқ — жумҳурият молия фонди ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. ССЖИ Молия вазирлигига, ССЖИ Давлат план қўмитасига, ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси ва ССЖИ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасига жумҳуриятлар ҳукуматлари билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида шу фонд маблағларининг ҳажмлари ҳамда уларни ҳосил қилиш ва сарфлаш тартиби ҳақида таклиф киритиш топширилди;

Барча пенсиялар ва нафақалар миқдорининг ошиши муносабати билан ССЖИ Молия вазирлигига ССЖИ пенсия фонди ва ССЖИ ижтимоий суғурта фонди билан биргаликда бу фондларга кўрсатиб ўтилган мақсадларга қўшимча харажатларнинг ўрнини тўлдириш тартибини белгилаш топширилди;

ССЖИ Олий Кенгаши томонидан энг кам иш ҳақининг янги даражасини белгилаш ҳақида қонун ҳужжатлари қабул қилингунга, меҳнатга ҳақ тўлаш ислоҳ қилингунга ҳамда 1992 йилга корхона маъмурияти билан касаба уюшмалари (ёки меҳнат жамоаси томонидан вакил қилинган бошқа орган билан) тариф шартномалари тузилгунга қадар ССЖИ ҳукумати ёки унинг топшириғи билан бошқа органнинг қарори билан тасдиқланган ҳамда ушбу қарорнинг 5-пунктига мувофиқ 60 сўмга ошган тариф ставкалари ва лавозим окладлари меҳнат қонуни томонидан белгиланган иш вақтининг давом этишига риоя қилинган ва ходим томонидан меҳнат мажбуриятлари (меҳнат нормалари) бажарилган тақдирда аниқ касб-малака гуруҳлари учун меҳнат ҳақи энг кам даражасининг давлат кафолотлари ҳисобланиши белгиланди;

Иш билан таъминлаш имконияти мавжуд бўлмаган чекка гарнизонлар ва жойлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, ички ишлар органлари оддий ва бошлиқлар таркибининг ишламайдиган хотинларига компенсация тўловлари жорий этилди (ҳарбий қисмларни, ички ишлар органлари муассасаларини чекка гарнизонлар ва жойларда ўрнашган деб ҳисоблашнинг тартиби ва шартлари ССЖИ Мудофаа вазирлиги, ССЖИ Ички ишлар вазирлиги ва ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитаси томонидан ССЖИ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва ССЖИ Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади).

Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг ишламайдиган хотинларига компенсация тўловлари эри хизмат қилаётган жойдан ойига 60 сўм миқдорида берилади.

ССЖИ Давлат банки ва ССЖИ Жамғармалар банки томонидан ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда 1991 йил 1 мартдаги ҳолатига кўра омонатлар ва сертификатлар эгаларига, ССЖИ Молия вазирлиги томонидан эса аҳоли ўртасида тарқатиладиган давлат қимматбаҳо қоғозлари эгаларига чакана нархларнинг бир вақтда ошиши муносабати билан кўриладиган зарарларнинг компенсациясини бериш тадбирлари амалга оширилади.

36. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Кам таъминланган болали оилаларга моддий ёрдам беришни янада кўпайтириш тўғрисида» 1974 йил 12 сентябрдаги 748-сон қарори юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитет ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1974 йил 12 октябрдаги 473-сон қарори ҳамда СССР Министрлар Советининг «Айрим нафақаларни тайинлаш ва уларни бериш тартиби ва болалари бўлган оилаларга давлат ёрдами бериш тўғрисидаги СССР ҳукумати қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1990 йил 24 ноябрдаги 1177-сон қарори юзасидан Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 29 декабрдаги 394-сон қарори билан тасдиқланган ҳамда болалик оилаларга давлат ёрдами бериш ҳақида Ўзбекистон ССЖ ҳукумати қарорига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг 2-пункти ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

37. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССЖ Вице-президенти Ўртоқ Ш. Р. Мирсаидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

ЎзССЖ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 мартдаги 65-сон қарорига илова

Янги чакана нархларнинг жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССЖнинг иш билан банд бўлмаган аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларни ҳисобга олиш ва пул нафақалари тўлаш тартиби тўғрисида вақтинчалик

НИЗОМ

Вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги Ўзбекистон ССЖ қонуни қабул қилингунга қадар, жумҳурият ҳудудида иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартиби, истеъмол буюмларига янги нарх-наволар жорий қилиниши муносабати билан нафақа тарзидаги пул компенсацияларни белгилаш ва тўлаш шартлари мазкур низомга кўра белгиланади.

I. ПУЛ НАФАҚАЛАРИНИ ТАЙИНЛАШНИ БЕЛГИЛОВЧИ ПРИНЦИПЛАР

ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш жойига эга бўлмаган ва иш ҳақи (меҳнат даромади) олмайдиган иш билан банд қилиш (ишга жойлаштириш)* органлари томонидан меҳнатга лаёқатли бўлган ўзига иш қидирувчи шахслар сифатида рўйхатга олинган ва мазкур органлар томонидан ишга жойлаштириш тўғрисида таклиф этилмаган фуқароларга нафақа тайинланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда нафақа қуйидаги шахсларга белгиланади:

корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қайта ташкил қилиниши ва тугатилиши, ходимлар сони (штатлар) қисқартилиши натижасида ишдан маҳрум бўлганларга;

ўзига биринчи бор иш қидирувчиларга;

3 ойдан ортиқ ишламаётганларга;

ўқув юртларининг кундузги бўлимларида умумтаълим ва профессионал тайёргарликни ниҳоясига етказганларга;

қуролли кучлар сафларидан, чегара, ички қўшин ва темир йўл қисмларидан, давлат хавфсизлиги органларидан запасга бўшатилганларга;

суд ҳукми билан жиноий жазони, мажбурий равишда даволашни амалга оширувчи муассасалардан озод этилганларга;

мустақил меҳнат фаолиятидан даромад олишни йўқотган шахсларга;

бошқа ҳолларда — халқ депутатлари Совети ижроия қўмитаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

* бундан кейин меҳнат органлари деб аталади.

II. НАФАҚАЛАРНИ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ

1. Ўзбекистон ССЖнинг аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги қонуни қабул қилингунга қадар, нафақа олиш ҳуқуқини олган фуқароларга 6 ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ҳар ойда 60 сўмдан бериб борилади;

Нафақа миқдоридан солиқлар олинмайди.

2. Корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши ёки ходимлар сонини (штатларни) қисқартириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши муносабати билан ишлаб чиқаришдан бўшаган фуқаролар, агар улар, ишдан бўшатилгандан кейин 10 календарь кун ичида меҳнат органларида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда янги иш жойини қидириш билан боғлиқ муддат давомида, аммо уч ойдан ошмаган вақт мобайнида, ўртача иш ҳақи билан бир қаторда пул нафақаси оладилар.

Нафақа ва сақлаб қолинган иш ҳақининг ўртача миқдори илгариги иш жойидан тўланади.

Агар ишдан бўшатилган ходим уч ой давомида икки маротаба ишга таклифни рад қилган тақдирда у маҳаллий бюджет ҳисобидан нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

3. Қолган барча ҳолларда нафақа олиш ҳуқуқи фуқаронинг нафақалар тўлаш билан шуғулланувчи меҳнат органларига, улар томонидан янги иш жойи таклиф қилинмаган тақдирда, мурожаат қилган вақтдан бошлаб кучга киради.

4. Меҳнат органлари ишга жойлаштириш масалалари билан мурожаат қилган фуқароларга иш жойларини топиб беришда актив фаолият кўрсатади. Фуқарони ишга жойлаштириш бўйича барча имкониятлар амалга оширилгандан кейингина унга пул нафақасини тўлаш ҳақида қарор қабул қилинади.

5. Тўлиқсиз ой учун нафақа тўланганда унинг миқдори тегишли календарь кунларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

III. ПУЛ НАФАҚАЛАРИНИ ТЎЛАШНИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

Нафақа тўланиши уч ойгача тўхтатиб қўйилиши ва қуйидаги ҳолларда тўланмаслиги мумкин:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ишдан бўшатилган фуқароларга, улар томонидан йўқотилган иш ҳақини қисман ва вақтинчалик ўрнини қоплайдиган даражада, белгиланган тартибда ишдан бўшаш нафақаси ва бошқа хил тўловлар берилганда;

меҳнат органлари томонидан ишга жойлаштириш бўйича қилинган иккита таклиф рад этилган тақдирда;

нафақа олиш даврида меҳнат органларини хабардор қилмасдан вақтинчалик ишга жойлашилганда;

фуқаронинг доимий турар жойида йўқлигида;

алдамчилик йўли билан нафақа олишга уринишларда.

IV. НАФАҚА ОЛИШ УЧУН МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Меҳнат билан банд бўлмаган аҳолига пул нафақаларини тўлаш Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгашининг, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советининг аҳолини ижтимоий меҳнатдан муҳофаза қилиш бўйича комиссияларининг қарорларига биноан амалга оширилади.

2. Комиссиялар халқ депутатлари Советлари ижроия қўмиталарининг қарори билан барча даражаларда (қишлоқ, овул, посёлка, шаҳар, ноҳия, вилоят, жумҳурият) камида 5 кишидан иборат қилиб тузилади.

Комиссиялар таркибига халқ депутатлари, жамоат активлари, ижроия қўмиталарининг молия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, меҳнат, статистика, ижтимоий таъминот органлари, касаба уюшмалари, маҳалла қўмиталарининг масъул ходимлари киритилади. Барча даражадаги комиссияларга халқ депутатлари Советлари ижроия қўмиталарининг раислари ёки уларнинг биринчи ўринбосарлари бошчилик қилишлари мажбурий шарт ҳисобланади.

3. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш комиссиясининг нормал ишлашини таъминлаш мақсадида ижроия қўмиталар томонидан уларга ҳужжатларни сақлаш, кўпайтириш ва бланкаларни ижрочиларга етказиш учун хоналар, асбоб-ускуналар ажратилади.

4. Халқ депутатлари Советлари ижроия қўмиталарининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларини кўриб чиқиш комиссияларига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

иш билан банд бўлмаган фуқароларни ўз ҳудудида ва қўшни ҳудудда ишга жойлаштириш имкониятларини кўриб чиқиш;

меҳнат органлари томонидан берилган ҳужжатлар асосида пул нафақасини олишга меҳнат билан банд бўлмаган аҳолининг контингентини белгилаш;

пул нафақаларини тўлаш учун жамғарма банклари бўлинмаларига юборилиадиган тўлов ҳужжатларини тасдиқлаш;

мазкур низомнинг 3-бўлимига биноан нафақа тўлашни тўхтатиб қўйиш.

V. ПУЛ НАФАҚАСИ ТЎЛАШНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ОРГАНЛАРИ

Ҳисобга олиш ва рўйхатдан қайта ўтказиш турар жойларда амалга оширилади:

қишлоқ жойларда — қишлоқ (посёлка) Советининг аҳолининг меҳнат билан бандлигини ҳисобга олиш бўйича инспектори томонидан;

шаҳарларда — меҳнат органларида амалга оширилади.

Кейинчалик нафақа олишга фуқароларни ҳисобга олиш учун қайта рўйхатдан ўтказиш комиссия томонидан ҳар кварталда бир марта амалга оширилади.

VI. НАФАҚА ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

Рўйхатга олиш ва рўйхатдан қайта ўтказиш ва шунингдек нафақа тайинлаш учун ҳисобга олишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

1. Руйхатдан ўтганлик тўғрисида белгиси бўлган паспорт.

2. Меҳнат дафтарчаси (ёки сўнгги иш жойидан маълумотнома).

3. Ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида ҳужжат ёки ўқув юртидан чиқариб юборилганлиги тўғрисида маълумотнома (биринчи маротаба иш қидирувчилар учун).

4. Пул нафақасини тўлаш тўғрисида белгиланган нусхадаги ариза.

Нафақа олиш учун мурожаат қилувчининг аризаси, иш жойи йўқлиги тўғрисида масъул шахснинг хулосаси юқорида қайд этилган ҳужжатлар билан биргаликда турар жойдаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Комиссия мурожаат қилган конкрет шахсни иш билан таъминлаш имконияти йўқлиги ҳақидаги аҳолини иш билан таъминлаш бўйича масъул шахс томонидан берилган хулосанинг холислигини кўриб чиқади ва уч кун ичида унга пул нафақаси тўланиши тўғрисида ўзининг таклифини чиқаради.

Банд бўлмаган контингентлар бўйича материаллар овул, посёлка, қишлоқ Совети комиссияларининг хулосаси билан бирга кўриб чиқиш учун ноҳия (шаҳар), шундан кейин вилоят комиссиясига оширилади.

Агар вилоят комиссияси ишга жойлаштириш илтимоси билан мурожаат қилган шахсга турар жойи ёки унга яқин ноҳияларда аниқ таклифлар мавжуд эмаслигини тасдиқласа, пул нафақаси беришни ҳал этиш бўйича узил-кесил ҳуқуқ мана шу комиссияга берилади.

Вилоят комиссияси раиси ва унинг аъзолари томонидан тасдиқланган вилоят комиссиясининг хулосаси иш билан банд бўлмаган иш қидирувчи шахснинг шахсий варақасини расмийлаштириш, посёлка, қишлоқ, овул Советлари инспекторлари ва меҳнат органлари ходимлари томонидан пул нафақаси тўлаш мақсадидаги ҳужжатларни расмийлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Пул нафақаси тайинлаш мазкур ҳолда ариза берилган вақтдан бошлаб амалга оширилади.

Пул нафақаси тўлашни ҳал қилишда низоли ҳоллар юз берганда, материаллар узил-кесил қарор қабул қилиш учун жумҳурият комиссиясига берилади.

Қишлоқдаги қишлоқ (посёлка) Советининг инспектори ва шаҳарлардаги меҳнат органлари вилоят комиссиясининг қарори асосида 4 нусхада тўлов ведомости тузади.

Ведомость вилоят комиссиясининг хулосаси асосида ҳудудий комиссия раиси томонидан, меҳнат органининг масъул шахси ёки қишлоқ (посёлка) Советининг инспектори томонидан имзоланади ва тегишли ижроқўмнинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Икки нусхада тасдиқланган ведомостлар жамғармалар банкининг ноҳия (шаҳар) бўлимига берилади, бир нусхаси — ноҳия (шаҳар) комиссиясида ва бир нусхаси қишлоқдаги қишлоқ (посёлка) Совети инспекторида ва шаҳарлардаги меҳнат органида қолади.

Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаро нафақани турар жой бўйича жамғармалар банкининг ноҳия (шаҳар) бўлимидан паспортини кўрсатиб олади.

Пул нафақаси берилганлиги тўғрисида белгиси бўлган, тегишли жамғармалар банкининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ведомостнинг бир нусхаси ноҳия ва шаҳар меҳнат органларига қайтарилади.

Компенсация нафақасини тўлаш ҳар ойда бир марта амалга оширилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар пул нафақаси олувчи шахсни ишга қабул қилаётганларида уни ишга қабул қилганлик тўғрисида қишлоқ жойдаги қишлоқ (посёлка) Советининг инспекторига ва турар жой бўйича шаҳарлардаги меҳнат органларига тезлик билан хабар қилишга мажбурдирлар. Мазкур шарт бажарилмаган ҳолларда пул нафақаси юзасидан қайта тўловлар мансабдор шахсдан ундирилади.

VII. ПУЛ НАФАҚАЛАРИ ТЎЛОВЛАРИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ

1. Иш билан банд бўлмаган аҳолига пул нафақалари тўлаш жумҳурият ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. ЎзССЖ Молия вазирлиги ЎзССЖ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан тақдим этилган «Қорақалпоғистон МССЖ, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ишламайдиган аҳоли учун пул нафақалари йиғиндиси ҳисоби» бўйича Қорақалпоғистон МССЖ Молия вазирлиги, вилоят молия органлари ва Тошкент шаҳар молия бошқармаси бюджетининг тегишли бўлими бўйича кредитлар очади.

3. Қорақалпоғистон МССЖ Молия вазирлиги, вилоят молия бўлими ва Тошкент шаҳар молия бўлими Қорақалпоғистон МССЖ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг, вилоят ижроқўмлари ва Тошкент шаҳар ижроқўмининг меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича бошқармаларининг талабномаларига кўра шаҳарлар ва ноҳиялар миқёсида олинган маблағларни нафақа тўлаш учун Ўзбекистон жамғармалар банкининг тегишли бўлимларига тўлов топшириғига мувофиқ ўтказадилар.

4. Жамғармалар банкининг бўлимлари қишлоқдаги қишлоқ (посёлка) Советлари инспекторлари ва шаҳарлардаги меҳнат органлари томонидан тақдим этиладиган тўлов ведомостига мувофиқ иш билан банд бўлмаган аҳолига компенсация нафақалари тўлашни амалга оширадилар. Бунда нафақа олувчи ўз паспортини кўрсатиши шарт.

5. Нафақа сифатида олинмаган пуллар 15 кун мобайнида пул олувчининг жамғармалар бўйича шахсий счётига ўтказилади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

1. Компенсация нафақаларининг тўғри тайинланганлиги учун ижроқўм комиссиялари, ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги учун қишлоқ жойларда ҳисобга олишни ва иш билан банд бўлишни ташкил этиш бўйича қишлоқ (посёлка) Советлари ижроқўмининг инспектори, шаҳарлардаги меҳнат органлари жавоб берадилар.

2. Компенсация нафақаси ўз вақтида тўланиши учун жойлардаги молия органлари ва жамғармалар банкининг бўлимлари жавоб берадилар.

3. Компенсация нафақалари олувчи фуқаролар ишга жойлашаётганларида ўзлари ҳисобда турган органни тезда хабардор қилишга мажбурдирлар.

4. Иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш учун маълумотномалар ва бошқа далолатловчи ҳужжатларни берувчи органлар ҳужжатларида ёритилган маълумотлар амалдаги қонунга мувофиқ эканлиги учун жавоб берадилар.

5. Алдаш йўли билан нафақа олинганда тўланган пул фуқаролардан амалдаги қонунга мувофиқ ундириб олинади.

6. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, кооперативлар ўзлари жойлашган ердаги меҳнат органларига ҳар ойда бўш ишчи ва лавозим ўринлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

7. Меҳнат органлари ҳар кварталда амалда ўтказилган нафақалар тўғрисида, жамғарма банклари органлари берилган пул маблағларининг йиғиндиси ва хизмат кўрсатилган фуқароларнинг сони ҳақида молия органларига ҳисобот тақдим этадилар.

Бугун Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг XIV съезди иккинчи босқичи ўз ишини бошлайди

ВАЗИФА — МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари XIV съезди биринчи босқичи ўтганидан кейин орадан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Съезд республика меҳнаткашларининг касб-меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада амалий ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида мустақил, ўзини- ўзи бошқарадиган жамоат ташкилотлари сифатида тармоқ, ҳудудий касаба уюшмаларининг ва бошқа касаба уюшмаларининг ихтиёрий бирлашмаси — республика касаба уюшмалари федерациясини тузди.

Бу воқеа Ўзбекистон касаба уюшмаларини янгилаш, уни янги мазмун билан бойитишда ташланган дастлабки йирик қадам бўлди. Бугунги кунда касаба уюшмалари олдида жуда ҳам муҳим вазифалар турибди. Бутун мамлакатда бўлгани сингари республикамиз ҳам қийин шароитларни бошидан кечирмоқда. Сиёсий ва иқтисодий системада халқимизнинг маънавий эркин бўлиши учун туб ислоҳотлар ўтказилмоқда, республиканинг оғир аҳволдан чиқиши учун аста-секин, шарт-шароитлар яратилаётир.

Бироқ меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган касаба уюшмалари ўзларининг ҳимоя қилиш вазифаларини тўла бажара олмаётирлар, ўзларига берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан етарли фойдаланмаётирлар. Касаба уюшмаларига буйруқ бериш одати, уларнинг давлат ва халқ хўжалик органлари системасига аралашиб кетганлиги, ўзига хос бўлмаган вазифалар билан қўмилиб қолганлиги ана шундай аҳволни вужудга келтирди.

Республика касаба уюшмалари XIV съезднинг биринчи босқичи касаба уюшмаларидан меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини самаралн ҳимоя қилишни, тартиб топган касаба уюшмаларининг ички тузилишини шунчаки такомиллаштирмай, балки уларни бутунлай бузиб ташлашни, сифат жиҳатидан янги мазмун билан тўлдиришни талаб қилди. Янги шакл сифатида унинг федератив тузилишини биринчи ўринга қўйиб, бутун фаолиятни касаба уюшмаларининг бирдан-бир чинакам табиий вазифаси — меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратди. Съезд халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилган, иқтисодиётни соғломлаштиришга доир туб чора-тадбирларни амалга ошириш, республиканинг тўла мустақиллиги, ўз саноат қувватларини ва табиат ресурсларини ўзи тасарруф этиши, барча иттифоқдош республикаларнинг СССР халқари ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлаш негизи бўлган чинакам иқтисодий тенг ҳуқуқлилигини амалга ошириш зарурлигини қайд этди. Барча касаба уюшмалари ташкилотларидан туб иқтисодий ислоҳотни, бозор алоқаларини амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарурлигини таъкидлади.

Бугун Тошкент шаҳрида съезднинг навбатдаги иккинчи босқичи ўз ишини бошлайди. Табиийки, съезд ишида шу йўналишда қилинган дастлабки ишлар сарҳисоб қилинади, амалга ошмай муаммолигича қолган вазифалар чуқур таҳлил этилади ва шу йўналишда касаба уюшмалари олдида турган вазифаларнинг мазмун ва мундарижалари белгилаб олинади.

• АБДУЛЛА ОРИПОВ 50 ЁШДА

ТУРФА ТУЙҒУЛАРНИ ХУШ КЎРДИМ...

Абдулла Орипов шеъриятига нисбатан ташбеҳ қўллайдиган бўлсак, у дутор навосига ўхшайди: бирда чексиз мунг билан дилларни ларзага келтирса, бирда шўхчан тус олади, майин ва ўзига хос таронаси тағин кишини мафтун этади. Унинг асарлари қон томирида ўт билан сувдек бир-бирига зид туйғулар тинимсиз оқиб туради. Шунинг учун ҳам бир шеъри ҳаётнинг етук фалсафий идроки ҳосиласи билан тўйинган, бошқа бир шеъри эса дардуғамга тўлиқ, нолон ва руҳсиз, бир шеъри шўхчан, қочиримли ва юморга бой, бошқа бир шеъри эса саховатли қалб меҳрига тўлиқ, шунинг учун ҳам у бетакрор, ҳаётнинг ўзидай мураккаб, ҳаётнинг ўзидай сўлим ва жозибали, юракларга яқин.

Она-Ватан—Абдулла ижодининг бош мавзуи. Ватанни ундан ҳам кучли севиш, шарафлаш мумкинлигини ҳозирча бунчалик ёрқин намоён этатёганлар кам.

Одил ЁҚУБОВ.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

УСТОЗЛАРИМ

Марҳум устозларим,
Аҳли шуаро,
Руҳимнинг оҳанги — сурудидасиз.
Бирингиз китоблар бағридасиз жо,
Бирингиз Чиғатой худудидасиз.
Неларни кўрдингиз!
Олдда нелар бор!
Менга очмадингиз дилларингизни.
Энди меи англадим, Сиз чору ночор
Ўтибсиз у шонли йўлларингизни...
Ҳасаду ҳусумат
Эзмасин нечоқ,
Сиз шеърдан олибсиз аламни доим.
Олис кечаларда айлабсиз чароқ
Куйиб кўмир бўлган қаламни доим.
Бахтиёр кунларни куйла, деган он
Шиорлар битибсиз қонингиз билан.
Ўзи йўқ қўрғонга бўлибсиз қалқон,
Соддадил, фидойи жонингиз билан.
Номард бу дунёнинг кирдикорлари
Яхшидир, ёмондир — ишингиздадир.
Армонлар, узрлар кетдилар бари,
Кетдингиз — дардингиз ичингиздадир.
Марҳум устозларим,
Раҳматли зотлар,
Энди сиз тинч ётинг маконингизда.
Ўкинманг, маломат қилсалар агар,
Абадий бардош бор имконингизда.

ВАФО ҚИЛАРМИСАН, БАҲОРИМ!

Руҳимда йўқолди қарорим,
Танимда қолмади мадорим.
Бизларни бир йўқлаб келибсан,
Вафо қилармисан, баҳорим.
Ёз ўтди, куз ўтди, қиш ўтди,
Бошлардан савдоли иш ўтди.
Юракка изғирин — ниш ўтди,
Вафо қилармисан, баҳорим
Ям-яшил қирларни соғиндим,
Чечакзор ерларни соғиндим.
У инжа сирларни соғиндим,
Вафо қилармисан, баҳорим.
Лоланинг лаблари хандадир,
Доғи ҳам тубида — андадир.
Ўхшаши руҳ ила тандадир,
Вафо қилармисан, баҳорим.
Интиқмиз дўст билан, ёр билан,
Шеър билан, соз билан — тор билан.
Дийдорлаш бизнингдек хор билан,
Вафо қилармисан, баҳорим.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Икки оға-ини ёвлашди бир кун,
Икковлон сиғмади битта маконга.
Наинки бир макон, тор бўлди очун,
Кетди иккиси ҳам икки томонга.
Ойлар, йиллар ўтди орадан қанча,
Охир бир-бирларин топдилар омон.
Титроқ елкаларга бошин қўйганча
Ҳўнг-ҳўнг йиғладилар гўдакларсимон.

Хўш, нима бўлибди, дерсиз, албатта,
Камми бу дунёда аҳил, ноаҳил.
Лекин, наҳот дейман, фақат кулфатда
Намоён бўлади муҳаббат асл.
Англамоқ истайман бу ҳолнинг сирин
Боқиб атрофимга мен гоҳи онлар.
Кунда кўриб турса улар бир-бирин
Балки еб қўярди аллақачонлар...

ФОЖИА

Бахтлидир, ўз даврин заволин кўрмай
Йўқликка равона бўлолган инсон.
Бахтлидир, янглишиб эканин ўрмай,
Шудгорин қайтадан бошлаган деҳқон.
Мўйсафид жангчига қарайман ғамгин,
Кўксида нишону кўча-куйда хор.
Унга на ўтмиши беролгай таскин,
Ва на келажакдан зарра умид бор.
Наҳот ўтган умр буткул ҳавойи,
Наҳот кўрганларин барчаси сароб.
Наҳот етмиш тўрт йил сиғинган жойи
Манфур манзил бўлса, жирканч ва хароб.

Авлиё деганн — ёвуз жодугар,
Ҳодий деганлари — каллакесар зот.
Набиранг ўзингга тутса оғу гар,
Дардингни кимга ҳам дегайсан, ҳайҳот!
Шаҳид кетмасмиди ўша жанг чоғи
Фидойи бир аскар номини олиб.
Бугун на қалқон бор, на бор яроғи,
Мағлубдан садақа сўрайди ғолиб.
Оламда фожиа кўп эрур, бироқ,
Бунисин алами ҳаддан зиёда.
Оҳ, нечоқ даҳшатдир тирик турган чоқ
Умринг ёқ ости бўлса дунёда.

ТУРҒУНБОЙ

Иш ахтариб Турғунбой
Неча кунки сарсондир.
Омадининг тескари
Юришидан ҳайрондир.

Йўқса, бажо қилинган
Барча тартиб-қоида!
Ҳужжатлари бир талай,
Прописка жойида.

Қайга борса келинг, деб
Хушнуд қарши олишар.
Лекин суҳбат сўнгида
Ўйланишиб қолишар.

— Афсус, афсус, — дейишар, —
Тағин бироз кутгайсиз.
Ваъда берган бўлсак гар
Бизни маъзур тутгайсиз.

Иш ахтариб Турғунбой
Неча кунки сарсондир.
Омадининг тескари
Юришидан ҳайрондир.

Турғунбойга шум тақдир
Сира шафқат қилмайди.

Пора берай, дер аммо
Усулини билмайди.

Охир дадил бостириб,
Кирди бир идорага.
Зора энди бахт кулса
Турғунбой бечорага.

Тик турганча бошлиққа
Шикоятин сўзлади.
Кўрган-кечирган барча
Ҳикоятин сўзлади.

Деди: — Айбим нимадир,
Билолмайин ҳайронман.
Бу мушкулнинг чорасин
Қилолмайин ҳайронман.

Бошлиқ узоқ ўйланди,
Ҳужжатларни варақлаб.
Сўнг ҳазина топгандай,
Сўз бошлади чарақлаб:

— Ҳужжатлар-ку жойида,
Туппа-тузук жисмингиз.
Фақат бир гап: бизларга
Тўғри келмас исмингиз.

Афсус, қайта қуришнинг
Ўтмабсиз йўлларини,
Турғун исми эслатар
Турғунлик йилларини.

Турғунбойнинг ногаҳон
Ёришди ўксук дили.
— Бор-йўқ айбим шуми,— деб,
Каломга келди тили.

Деди: — Наинки исмим,
Оламдан ҳам тонурман.
Ирим билан ном қўйган
Онамдан ҳам тонурман.

Менга фақат иш керак,
Кечгум дарё, сой бўлсин.
Исмим Турғунбой эмас,
Майли, Урғунбой бўлсин.

Урғунбойга муносиб
Вазифани топдилар.
Турғунликнинг яна бир
Саҳифасин ёпдилар.

Мажлисларда энди у
Фурсат пойлаб туради.
Ур, деса бас, Урғунбой
Дуч келганни уради.

ШОИР НИГОҲИ

Абдулла Орипов ижодида изчил поэтик ғоя ва яхлит концепция даражасига кўтарилган мавзулардан бири — Инсон. Шоир шеъриятининг турли босқичлари кузатилса, бу мавзу муттасил чуқурлашиб ва мураккаблашиб борганини кўриш мумкин. «Темир одам», «Номаълум одам», «Учинчи одам», «Тафаккур монологи» каби шеърларида инсон мавзуининг муайян қирралари очилса, «Коинот гултожи...» деб бошланадиган тўртликда инсон табиатидаги манфий томонлар ҳам «қонуний» эканлиги тан олинмас экан, у ҳақдаги тасаввур чала бўлиши — мукаммаллик касб этмаслиги поэтик тасдиғини топади: «Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо, ё фалак, ижодинг бунча мукаммал».

«Ранжком» ана шу мукаммалликнинг бир бўлаги — инсон тубанлигининг муайян қирраси ҳақидаги драматик достон. Нега «драматик» деган савол-эътироз туғилади. Уч нокаснинг суҳбати ва фаррош аёлдан калтак еб енгилиши ҳақидаги асар драматик кескинлик ва воқеий таранглиқдан ҳоли-ку, дейиш жўяли. Дарҳақиқат, шундай.

Лекин «Ранжком» ҳақиқатан драматик достон. Фақат драматиклик воқеалар маромида эмас, тасвир этилган ҳодисанинг характер-хусусиятида, жамият турмушига мутлақо зид кучларнинг дориламон яшаши-ю, уларнинг мушугини «пишт» дейдиган фаррош аёлдан бошқа кас йўқлигида ва шоирнинг машҳур бир тўртлигидан фойдаланилса, «барча фирибгарларнинг шод-хуррамлигида». Демак, драматиклик асарнинг ўзида эмас, ундан туғилажак таассуротда, охир-оқибатда китобхоннинг бадиий идрокида дейиш мумкин.

«Ранжком» поэтикаси синчиклаб кузатилганда, унда бир тамойил кўзга ташланади. Муаллиф ниятига кўра, биз ранжкомчилардан нафратланишимиз лозим ва шунга чоғланамиз ҳам. Аммо улар аянч кимсалар, инсон бўлиб, инсонийликдан мосиво каслар эканлиги аён бўлгач (асарда бу ҳол яхши очилган), сиртдан қараганда ва ўзлари наздида ҳаётнинг «устунлари»дек туюлсалар-да, моҳиятан қурбон эканликлари маълум бўлади. Шундай бўлгач, улар муаллифнинг жиндак меҳрига муҳтож ва бунга ҳақлари ҳам бор, деб ўйлайман.

Ия, бу нокаслар қайда-ю, меҳр дегич инсоний туйғу қайда, деган эътироз эшитилиши табиий. Таъбир жоиз бўлса, муаллиф меҳри нокас одамларнинг ўзига эмас, улар вужудида оз-моз қолган инсонийликка қаратилмоғи керак, чоғи. Энг ашаддий жиноятчи ҳам инсонийликдан буткул айри эмас. Фақат улар вужудида инсонийлик мағлубиятга учраган, тубан хислатлар инсонийликдан ғолиб келган, инсонийликни топтаб кетган. Модомики, инсон қалби-ю вужудини инсоний хислатлар эгаллаб олар экан, бу шу одамнинг ўзи учун ҳам кўргулик, унга холиқ юборган офатдир.

Достонда тасвирланган воқелик бир поғона юқори кўтарилиб кузатилганда, бу валламатлар унчайин валламат эмас, тўғри йўлда ўрин тополмай, эгриликда макон қурмоқчи аянч кимсалар эканлиги аён бўлади. Бунинг устига шоиримиз бундай поғонага ўзининг лирик шеъриятида аллақачон кўтарилган ҳам. «Маломат тошлари» шеъридан тўрт қатор:

О, буюк мавжудот, ҳазрати инсон,
Сенинг аслинг таҳи ғафлати инсон.
Ғаҳи сен баркамол бўлиб кўриндинг,
Ғаҳи бечораҳол бўлиб кўриндинг.

Ранжкомчилар ҳам шу буюк мавжудотнинг унсурлари. Фақат айниган, нечундир ўз табиатига хиёнат қилган унсурлари. «Нечундур»га жавоб тайёрдек: вазият, шарт-шароит, муҳит ва ҳоказо. Аммо буларнинг ҳеч бири инсоннинг инсонийликка хиёнат қилишининг асл сабабларини кўрсатишга, англатишга қодир эмас. Ёлғиз бир нарса аниқ — инсон собит ва абадий жумбоқ. Шу ҳолатда у бадиий адабиётнинг боқий муаммосидир.

Тўғри, касб-кори бандаларни ранжитиш бўлган касларга инсоний меҳр кўргизмоқ осон эмас. Лекин ҳақиқий ижодкор ўз илоҳий дарди тақозосига кўра ўтакетган аблаҳни тасвирлаганда ҳам уни ўзига хос севги билан севишга, меҳр кўрсатишга маҳкум. Жирканишга ҳаққи йўқ. Зотан, жирканиш яратувчилик кучига эга эмас. Воқеликка жирканиб, ижирғаниб назар ташлашдан кўра, истироб билан куйиниб назар ташлаш унинг ички қатламларига, моҳиятига кириб боришга кўпроқ имкон беради.

Ижод жараёнида шоирни нафрат ва ижирғаниш ҳолати чулғаб олса, асарда баданни жунжиктирадиган, сескантирадиган мудҳиш кимсалар пайдо бўлиб, улар сатира тиғи билан фош қилинади-ю, аммо инсоний меҳр кўрмаганликлари туфайли совуқ ва жозибасиз бўлиб чиқадилар. Жамиятда шундай одамлар борлигини фош этиб қаноат ҳосил қилиш эмас, балки одамзоднинг шу ҳолга тушганлигидан ўқувчини истиробга солиб поклаш бадииятнинг юксакроқ ва олижаноброқ вазифаси, деб ўйлайман.

Достоннинг тузуми жуда содда. Асар аслида иши ўзгаларни ранжитмоқ бўлган ширкатнинг таъсис мажлиси ва унда сўзланган нутқлардан иборат, деса бўлади. Асосий қаҳрамонлар — Раис, Биринчи аъзо, Иккинчи аъзо янги ширкатнинг вазифа ва йўналишини баён этишади, тажриба-ю ютуқлари билан ўртоқлашишади. Ширин машварат уч бор бузилади: дастлаб Савдойи олим, кейин Ғоз кўтарган чол, охирида фаррош аёл воқеага аралашади.

Ҳар бирига қисқача тўхтайлик.

Савдойи олим бор-йўқлиги, бўлган-бўлмаганлиги номаълум капалагини излаб ранжкомчилар қароргоҳига кириб келади. Капалагини Москвага, ўрганишга олиб кетганларини эшитгач айтган — «Темурлангнинг дошқозони сингари у ҳам Эрмитажнинг мулки бўлиб қолмаса гўрга» сўзлари фикрлашга ундаб, ҳақиқат ё гўдак, ёхуд жинни тилидан янграйди, деган «Инжил»даги ҳикматни ёдга туширади. Ранжкомчиларнинг савдойи олимга муносабати, ҳеч кутилмаганда, эҳтиромли. Раиснинг сўзидан:

У аслида зукко зот эди,
Унинг бошин касбдошлари едилар бешак.

Зотан савдойи олим илгариги фидойи олимнинг сояси, ноқис жамиятнинг қурбони дейиш мумкин.

Ғоз кўтарган чолга муносабат бўлакча. Пахта вильт касаллигини тугатишнинг «оламшумул» усули — ҳар бир эгатга биттадан ғоз қўйиб чиқиш соғлом ақлни йўқотган (балки, ақл ўзи бўлмаган), аммо савдойи эмас, ва шу учига чиққан бемаъни усулни зўр бериб тарғиб қилаётган одам жамиятнинг яна бир офати — демагог олимнинг аниқ образидир.

Достонда фаррош аёлнинг роли яна бир бўлак. У кўп даражада воқеаларга муаллиф нуқтаи назарини ифодалайди. Ранжкомчилар устидан чиқарилган ҳукм ҳам унинг тилидан ўқилади. Достон адоғидаги фаррош аёл монологи кўп жиҳатдан шоир маслагига мос келади. Аммо икки овозни айнанлаштириш ҳам тўғри бўлмас. Фаррош аёл бадиий образ ва шунга яраша ўзига муносиб феъл-атвор ва ҳаётий фалсафага эга.

«Лекин нечун бу қавмнинг йўли доим шай». «Қайда доно жим ўтирса—сайрагай нодон» каби фаррош аёлнинг сўзларига шоир тўла қўшилса, қуйидаги мисралар муаллифнинг образга юклаган хос маънолардир:

Ановлардан гина қилиб борай қаёққа,
Ҳиссиларнинг башарасин сира йўқ кўргим.
Энг яхшиси, ҳасратимни айтай таёққа,
Садоқатли йўлдошимсан ўзинг, супургим...

Фаррош образи шоир ижодида иккинчи бор учраши. «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси» ҳикоят шеърида дунё олимлари жам бўлиб ечолмаган муаммо — ўликдай сулайиб ётган самовий меҳмонни қўзғатишни оддийгина ечган, донишмандлар тушига ҳам кирмаган матоҳ — Меҳр кўргазиш билан ўзга сайёраликка жон ато этган эди. «Ранжком»даги фаррош аёл ўзга сайёралик билан эмас, ўз одамларимиз билан учрашмоқда. Вазият ҳам энди бу фаррошдан меҳр эмас, қаҳр талаб қилаётир.

Асарда ранжкомчилар бетига ҳақиқатни айтиш ҳам келиб-келиб фаррошга насиб этади. Савдойи олим ҳам, ғоз кўтарган вильтшунос ҳам уларга иқрор, уларни маънили куч сифатида эътироф этишади. Биргина фаррош аёл ранжкомчилар фалсафасини таг-туби билан рад этади. Аммо фаррош раддиясидан келиб чиқадиган хулоса унча таскинли эмас. Таёққа, садоқатли йўлдош — супургига айтилган ҳасрат ранжкомчиларнинг анойи куч, осон жон берадиган рақиб эмаслигига нозик ишора.

Қиладиган иши бузғунчилик бўлган бу кишилар бутун бир достон сатҳини эгаллаб олиб, ўз «қаҳрамонликлари» ҳақида дадил гап сотар эканлар, одам туриб-туриб ҳайрон қолади: нима қилиб юрипти, ўзи булар. Жамиятга туриш-турмуши зарар бўлса-ю, яна ўз кирдикорлари ҳақида тап тортмай оғиз кўпиртирса. Шунда уларнинг ноқонуний қонунийлиги борасида ўйлашга тўғри келади. Куни шундайларга қолган жамиятнинг ҳолига маймунлар йиғлаши турган гап. Лекин, не бахтки жамиятнинг куни уларга қолган эмас. Ҳеч бўлмаса фаррош бор, улар ифлос қилган хоналарни тозалайдиган фаррош.

Асар жиддий эътиборга, демак, бадиий ва ижтимоий таҳлилга лойиқ. Биз «Ранжком»да тасвирланган воқеанинг бутун даҳшатини етарли ҳис этмадик чоғи. Ўйлаб кўринг, уч муттаҳам йиғилиб махсус ташкилот тузса, унинг бош ва бирдан-бир вазифаси яхшиларга озор бериш бўлса («ранжком» ёмонларга тегмайди, улар билан сулҳ тузади), бундан ҳам бемаъни, даҳшатли нарса борми?

Нега достондаги воқеанинг куракда турмайдиган бемаънилигини ич-ичдан ҳис этмадик? (Мазкур беъманиликни қаламга олган шоирни бир чимчиб ўтишдан ўзни тиёлмадик аммо). Сабаби балки бир яшаб турган муҳит маънисизлик ботқоғига ботган ва бундай умуммаънисизлик фонида асарда тасвирланган бемаъни ҳодисот зиғирча туюлиб кўринмай кетгандандир. «Абсурд (бемаънилик) билан келишилмаган тақдирдагина у маънога эга», — дейди Альберт Камю абсурд ҳақидаги эссесида. Зеро бемаънилик қонга кириб улгурганда у одатий бир ҳолга айланади шекилли.

«Ранжком» одамда мудҳиш таассурот туғдиради. Бутун асар бўйлаб совуқ бир руҳ сизиб ўтади. Асардан одам излаб юрманг, овора бўласиз. Чунки одам йўқ, одам шаклида юрган маҳлуқлар бор, холос. Уларнинг атроф-муҳитни булғовчи касофати шу қадар зўрки, уларга қарамақарши қўйилган ягона одамсифат қаҳрамон фаррош аёл ҳам ранжкомчиларнинг қора қўланкасида у қадар ёруғ чиқмай, қоратирроқ чиқади. Савдойи олим ҳам шуларга ўхшашлар «меҳнати»нинг маҳсули. Ранжкомчилар шундай тузалмас дардга дучорки, яқинлашган одамга нуқсибади урмасдан иложи йўқ.

«Ранжком»да жамият учун номатлуб ҳодиса қаламга олинган эса-да, кулги, юмор йўқ. Тўғри, достонда қитмир аскиялар, кулдиришга мўлжалланган гаплар (масалан, тақирбошдан билиб туриб тароқ сўраш саҳнаси) йўқ эмас. Аммо булар беозор кулги, юмор уйғотмайди, аксинча, достон саҳнидаги бўғиқ об-ҳавони баттар оғирлаштиради. Ушбу қитмир савол ҳам уларнинг усулидан намуна («Қойилмисан? Бу ҳам менинг битта усулим...»).

Асарда кулгининг йўқлиги «минис-усул» (яъни «йўқ усул») ҳодисасини ёдга солади. Кулгининг йўқлиги, беғубор кулгига мутлақо зид ҳолат асарда бадиий вазифа ўтайди. Шаклан инсон бўлатуриб, инсонийликдан йироқ турган ранжкомчилар жозибали инсоний хислат — беғубор кулгидан маҳрум эканликлари табиий туюлади.

Лекин муаллиф овозида ҳам кулги йўқ. Нигоҳи ўта жиддий. Балки шоир уринганда ҳам уларни кулгига олишга қурби етмагандир. Бу ранжкомчилар анчайин хавфли куч эканлигини кўрсатади. Вольтер ёзганидек, «Нимаики кулги уйғотса у хатарли бўлмайди». Чинакам даҳшатли нарса, устидан кулиб бўлмайди, кулгига олиндими, энди у даҳшатли эмас. Ранжкомчилар ҳақида сўзлаб, кулишга урениб кўринг, беғубор кулги чиқмайди. Зотан, кучдаги кучни масхаралаб бўлмайди.

«Боқар у замоннинг оқишига деб, орттирманг бошимга маломатларни. Унинг бир ишвали боқишига деб, қурбон қилажакман сиёсатларни. Ўйламанг, саройлар қошида мустар юрибман эрта-кеч бағримни доғлаб. Унинг қадамига, керак бўлса гар, келтургум шоҳларни бир ипга боғлаб».

«Унинг» ким, аниқроғи нима? Илоҳий ҳақиқатми ёки буюк муҳаббат, ҳеч кимга айтилмайдиган кўнгил орзусими ёки арслон қошига чорлагандаги етилмаган армон? Нима бўлганда ҳам мазкур сатрлар шоир қалбининг туб-тубидан чиққани, ижоднинг илоҳий онларида таваллуд топгани шаксиздир. Шеър саҳнидан оғир пайтларда ҳам жамиятга юзма-юз туриб, ҳақиқатни айтган, баъзан адашиб бўлса-да, («Зулмат водийсида адашиб қолдим» деганн каби Данте) ижодининг бош йўлидан, ҳақиқатнинг ўзанидан бораётган шоирнинг мағрур қиёфаси қалқиб чиқадики, бу қиёфа «энг олий бахтим менинг, онажоним шеърият» деган юксак каломга ғоят мосдир.

Сувон МЕЛИ,
филология фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Ливан, Япония, Польша, Монголия, Хитой, АҚШдан келган бир гуруҳ журналистлар Тошкентда меҳмон бўлиб туришибди. Уларнинг сафаридан мақсад — Ўзбекистон ҳаёти билан танишиш, Наврўз байрамида қатнашишдир.

Меҳмонлар Тошкентдаги баъзи маҳаллаларда бўлишди, шаҳарликлар билан суҳбатлашишди.

Ҳорижий журналистларни Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов қабул қилди. Улар Ўзбекистонда ўтказилган Бутуниттифоқ референдумининг натижалари билан, миллатлараро муносабатлар муаммолари қандай ҳал этилаётгани билан танишдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жаволлар олдилар.

(ЎзТАГ).

ХАБАР

1991 йил 23 март куни У-205 рейси билан Тошкентдан Навоийга учган пассажир самолёти Навоий шаҳри аэропортига қўнаётганда авиация ҳалокати юз берди. Одамлар ҳалок бўлди.

Ҳалокат сабабларини аниқлаш учун Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети Раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди.

СССР Граждан авиацияси вазирлиги билан граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси авиация ҳалокати сабабларини аниқлаш юзасидан чоралар кўрмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР КАБИНЕТИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати авиация ҳалокатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ва ёр-биродарларига чуқур таъзия билдиради.

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ ХАБАРИ

Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг Тошкентдан Навоийга учган Ан-24 самолёти билан 1991 йил 23 мартда юз берган авиаҳалокат сабабларини аниқлаш учун тузилган ҳукумат комиссияси ҳалокат юз берган жойга тезда етиб келди. Маҳаллий ҳокимият идоралари ва мутахассислар комиссия ишига жалб этилди. Жабрланганларга Тошкентдан ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидан малакали тиббий ходимлар келиб ёрдам кўрсатишлари учун шошилинч чоралар кўрилди. Навоий шаҳри табобат муассасаларининг имкониятлари сафарбар қилинди. 7 жабрланувчи ҳозирнинг ўзидаёқ касалхонадан чиқди.

Комиссия биринчи навбатда авиаҳалокат натижасида ҳалок бўлганларнинг ва жабрланганларнинг оилаларига ёрдам берди.

Авиация сабабларини аниқлаш учун ҳалокат юз берган жойга СССР Граждан авиацияси вазирлигининг мутахассислари гуруҳи келди.

Ҳукумат комиссияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ОБ-ҲАВО...

◆ Ўзбекистон об-ҳавони ўрганиш марказидан олинган маълумот бўйича ҳафтанинг биринчи ярмида айрим районлар ва тоғли ҳудудларда ҳавонинг булутли келиши кутилади. Бироз ёғингарчилик бўлиши, шамолнинг тезлиги кучайиб секундига 10—15 метрга етиши мумкин. Ҳарорат кечаси 2—7, кундузи 10—18 даража атрофида бўлади. Шимолий районларда кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ, кундузи 10—15 даражагача етади. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳавонинг қуруқ келиши, ҳароратнинг кўтарилиши кутилмоқда.

◆ Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига қараганда об-ҳаводаги бундай ўзгаришлар дардчил одамларга ортиқча салбий таъсир қилмайди. Шунга қарамай, қон босими юқори, бод, юрак-то-

...САЛОМАТЛИК

мир касалликларига чалинган кишилар шифокор назоратида бўлишлари, очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилиш, лозим кўрилган жисмоний машқларни бажаришлари зарур.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да **Тўмарис** (19.00), 28/III та **Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома** (19.00), 29/III да **Юлдузли тунлар** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 27/III да **Ака-ука совчилар**, 28/III да **Анқовлар чайқови**, 29/III да **Кампир кетармиш**.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/III да **Садди Искандарий** (16.00, 19,00)) 27/III да **Искандар** (19.00), 28/III да **Гўзаллар ва миршаблар**, (16.00, 19,00), 29/III да **Лақма куёв** (16.00, 19,00).

●

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ЖУМҲУРИЯТ ОТЧОПАРИДАГИ «ОТЧОПАР» МЕҲМОНХОНАСИ

нақд пулга ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан

СИЗЛАРГА ХИЗМАТ ҚЎРСАТАДИ

Меҳмонхона турли хил ташкилотлар ва сайёҳлик бюролари билан яшаб туриш учун 1991 йилга шартнома тузади.

Меҳмонхонада барча қулайликлари бўлган буғ ҳаммоми, отларни ижарага бериш, файтунда сайр қилиш хизматлари ташкил этилган.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, Жумҳурият отчопари («Отчопар» меҳмонхонаси).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 76-29-34, 76-77-37.

СССР Жамғарма банкининг Ўзбекистон жумҳурият банки Бошқарувининг раҳбарияти, фирқа ва касаба уюшмаси ташкилотлари Назорат-тафтиш бошқармасининг бошлиғи Р. У. Бобохўжаевга отаси

Усмонхўжа ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари куллиёт жарроҳлиги кафедрасининг доценти, жумҳуриятда хизмат кўрсатган врач Э. Э. Назаровга отаси

Эргаш НАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилоят прокуратураси маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари прокуратура ходими У. Ч. Худойқуловга отаси

Чиноз ХУДОЙҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тилшунослик ва Адабиёт илмгоҳлари жамоалари катта илмий ходим, филология фанлари номзоди Ш. Носировга онаси

Умринисо АЗИМ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурият Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси мева-сабзавотчиликни ихтисослаштириш бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Х. Ю. Муталовага онаси

Ортиқбиби ЖИЯНБЕКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ -одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5091.

№ 58. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12